
ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Спорт, спорт, спорт

Қувасой шаҳрида 11-12 ёшли ўғил болалар ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Унда иштирок этган туманимиз ёш футболчилари вилоят мусобақасининг 12 ёшлилар ўртасида бўлган учрашувида Қувасой шаҳардаги тенгдошларини 3-2 ҳисобида мағлуб этишиб, Қува туманидан ташриф буюрган ёш футболчиларни йирик ғалаба 4-0 ҳисоби билан лол қолдирдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, болалар ўтасида ўтказилган спорт мусобақаси карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилди. Фарғона тумани ёш футболчилари барча соҳаларда техник жиҳатдан тенгдошларидан анча устун эканликларини амалда исботлашиб, ташкилотчиларнинг Диплом ва совғалари билан тағдирландилар.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-09-09 17:15:00